

## ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ЖОЙЛАНИШИНING ЎЗИГА ХОСЛИГИ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

*З.Н.Тожиева*

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
профессори, география фанлари доктори  
Тошкент, Ўзбекистон*

*К.Б.Оманова*

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Стажёр-ўқитувчиси  
Тошкент, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Жиззах вилояти қишлоқ аҳолиси ҳамда қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг тадрижий ўсиши, мамлакат қишлоқ аҳолиси улушидаги салмоғи, уларнинг вилоят ҳудудларидаги жойланиш хусусиятлари, тоғ-тоғолди ҳамда текислик ҳудудлари бўйлаб тақсимланиши батафсил ёритилган. Шунингдек, айнан вилоят қишлоқ аҳолиси ўртача йиллик ўсиш суръатларининг даврий ўзгариши ҳамда вилоят ҳудудларидаги аҳоли ўртача йиллик ўсиши юзага келтираётган тафовутлар тўғрисида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ аҳолиси, “аномал”, аҳоли манзилгоҳлари, тоғли туманлар, шаҳарча.

*Тоджиева З.Н.*

*Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
Профессор, доктор географических наук  
Ташкент, Узбекистан*

*К. Б. Оманова*

*Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
Стажёр-преподаватель  
Ташкент, Узбекистан*

## ОСОБЕННОСТЬ РАЗМЕЩЕНИЯ СЕЛЬСКОГО НАСЕЛЕНИЯ (НА ПРИМЕРЕ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ)

**Аннотация.** В данной статье подробно описан постепенный рост сельского населения и сельских поселений Джизакской области, доля сельского населения страны, его расположение в регионах, распределение по горным и равнинным территориям. Также речь шла о периодических изменениях среднегодовых темпов прироста сельского населения региона и различиях, вызванных среднегодовым приростом населения в регионах.

**Ключевые слова:** сельское население, «аномальные», населенные пункты, горные районы, городской посёлок.

*Z.N. Tajiyeva*

*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek  
Professor, Doctor of Geography  
Tashkent, Uzbekistan*

*K. B. Omanova*

*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek  
Trainee-teacher  
Tashkent, Uzbekistan*

## THE PECULIARITY OF THE LOCATION OF THE RURAL POPULATION (IN THE EXAMPLE OF JIZZAKH REGION)

**Abstract.** This article describes in detail the gradual growth of the rural population and rural settlements of the Jizzakh region, the share of the country's rural population, their location in the regions, their distribution across mountainous and plain areas. Also, it is mentioned about

*the periodic change of the average annual growth rate of the rural population of the region and the differences caused by the average annual growth of the population in the regions.*

**Key words:** rural population, "anomal", population settlements, mountain districts, town.

**Кириш.** Аҳоли сони динамикаси кўрсаткичлари маълум бир ҳудуд аҳолисининг вақт ичидаги ҳаракатини, унинг ўсиши, барқарорлашуви ва камайишини, ушбу ривожланишнинг асосий тенденцияларини аниқлаш имконини беради. Аҳоли сони динамикаси иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг тарихий хусусиятларига, шунингдек, мамлакат ва дунёдаги сиёсий вазиятга боғлиқ бўлади. Маълумки, ҳар бир давлатнинг янги ривожланиш йўлига ўтишида иқтисодиётни изга тушуриш учун анча вақт керак бўлади. Ушбу давр мобайнида мазкур давлатда айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзага келиши мумкин. Бу ҳолат, нафақат мамлакатнинг демографик жараёнлари ривожланишига, балки, аҳоли динамикаси ўзгаришига ҳам маълум миқдорда таъсир кўрсатади. Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, янги даврни, яъни бозор иқтисодиётига ўтиш, ўз ривожланиш йўлини танлаб олди. Айни шу даврда мамлакат аҳолисининг ривожланиши мамлакат иқтисодий ривожланиши билан биргаликда тараққий этди.

Жаҳонда рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий ҳодисалар ўз навбатида ҳудудларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Айниқса, аҳоли сонининг йилдан-йилга кўпайиб бориши ҳудудларнинг барқарорлигини таъминлашда айрим мамлакатларда бугунги кунда қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини қамраб олган асосий масала, бу қишлоқ аҳолисининг марказларга, катта шаҳарларга, даромади ва шарт-шароити юқори бўлган денгиз бўйларига томон оқимидир. Айниқса бу муаммо Европанинг энг ривожланган мамлакатлари, АҚШ, Хитой, Австралияда акс этмоқда. Ривожланаётган ёки ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда ҳам бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг марказга интилиши давом этмоқда. Шу боисдан ҳам қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари ва унинг аҳолисини тадқиқ этиш, унинг келажақдаги ҳолатини, бизни кутиб турган асосий иқтисодий-ижтимоий масалаларни ўрганиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Шундай бўлсада, қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари дунёнинг турли минтақаларида, мамлакатларда географ олимлар томонидан тадқиқ этилган ва этилмоқда. Улар жумласига хориж олимлардан Premysl Stych, Jan Kabrda, Ivan Vicik, Johnson, К.М.; Lichter, D.T, Янсуи Лиу, Ханс Вестлунд ва Юхенг Ли, И.Рушидан, К.Энъеди, А.И.Алексеев, С.А.Ковалев, Ж.А.Зайончковская, ўзбек олимлардан А.С.Солиев, З.Н.Тожиева, А.Сатторов қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини масалаларини ўрганган.

**Асосий қисм.** Мустақиллик йилларида Республикамизнинг бошқа вилоятлари сингари, Жиззах вилояти аҳоли сони динамикасида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Жиззах вилояти геодемографик ривожланишида хусусан, аҳоли сони динамикасига мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатади ва ўзига хос демографик вазиятни юзага келтирди.

Жиззах вилояти Ўзбекистон Республикасининг маъмурий бирлиги ҳисобланиб, унинг майдони 21,21 минг км<sup>2</sup> ни ташкил қилади (Республикада 5ўринда). Аҳолиси 1,382 минг киши (2022 йил, январь), аҳолиси сони бўйича республикада 12-ўринда туради. Аҳоли зичлиги 1км<sup>2</sup> да 64,5 киши. Маъмурий-худудий бўлинишига кўра, 12 та туман, 6 та шаҳар, 42 та шаҳарча 524 та қишлоқ аҳоли пунктларидан иборат.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси сони 17,6 млн. кишидан иборат. Ваҳоланки, 2010 йилда жами қишлоқ аҳолиси 13,5 млн. кишини ташкил этган. Ўтган 13 йил мобайнида қишлоқ аҳолиси 4,1 млн. кишига ошган. Аммо бу ҳолат қишлоқ аҳолиси улушининг ҳам ошиб бораётганлигини ифодаламайди. Сабаби, мамлакатда қишлоқ аҳолисининг улуши жами аҳолига нисбатан 49 фоизни ташкил этади (2023 йил). Бу кўрсаткич 2000 йилда 62,6 фоизни, 2020 йилда эса 49,4 фоизни ташкил этган [8]. Бу маълумотларга асосланиб, қишлоқ аҳолиси сони йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, уларнинг улуши эса шаҳар аҳолисига ҳамда умумий аҳолига нисбатан пасайиб бормоқда. Бунда, давлат томонидан урбанизация даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, шаҳарда ҳам туғилиш даражаси ўтган йилларга нисбатан ошириб бораётганлиги, қишлоқ жойларда муносиб иш ўрнининг йўқлиги ёки камлиги натижасида шаҳар жойларга томон аҳолининг механик ҳаракати айнан қишлоқ жойлар аҳолиси улушининг пасайишига таъсир кўрсатади.

Мамлакатда юз бераётган бу ўзгаришлар унинг барча ҳудудларида ҳам акс этмай қолмади. Жумладан, Жиззах вилоятида ҳам қишлоқ аҳолиси ошиб бормоқда, лекин унинг улуши ҳам таборо камайиб, турғун ҳолатга келиб қолди (1-расм). Масалан, 2000 йилда Ўзбекистоннинг ўртача қишлоқ аҳолисига нисбатан, Жиззах вилоятининг қишлоқ аҳолиси улуши юқори бўлиб, 7,2 фоизга баланд. Аммо, 2002-2008 йиллар орасида эса вилоят қишлоқ аҳолисининг улуши 70 фоиздан баланд кўрсаткичга эга бўлган. 2009 йилдан 2014 йилга қадар эса бу кўрсаткичлар кескин тушиб кетган (мос равишда, 48:52 фоиз). Бунинг асосий сабаби, кўпгина қишлоқ манзилгоҳларига шаҳар ва шаҳарча мақомининг берилиши, қишлоқ аҳолиси улушининг кескин пасайишига сабаб бўлган. А.С.Солиев ҳам айнан мана шу ҳолатни таърифлар экан “2009 йил ўзига хос “аномал”, яъни шаҳарчалар

сонининг бир йўлакай деярли 1000 тага кўпайганлигидир” дея ўз фикрини билдирган [5].




Диаграмма ЎзРес Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

#### 1-расм. Қишлоқ аҳолисининг жами аҳолига нисбатан улуши, % ҳисобида.

Жиззах вилояти қишлоқ манзилгоҳларининг ҳудудлар бўйлаб жойланиши ўзига хос хусусиятга эга. Айниқса, қишлоқ жойларнинг нотекис тақсимланиши, тоғ ва тоғолди ҳамда текисликда тарқалиши бунга яққол мисолдир. Шу билан биргаликда, долзарб масала ҳамдир. Боиси, аҳоли манзилгоҳларининг чегараси, катта-кичиклиги, бажарадиган функцияси, уларнинг аҳолиси сони динамикаси, демографик ҳолати бир-бирдан кескин фарқ қилади. Масалан, XX аср ўрталаригача йирик қишлоқлар асосан тоғ ва тоғ олди зоналарида жойлашган бўлиб, Мўғол, Сартюз, Ойқор, Боғишамол каби қишлоқлар Сангзор водийсида, Ғўбдун, Кўкбулоқ, Мирзабулоқ ва бошқа қишлоқлар Ғаллаорол текислигида, Ғаллакаор, Гулшан, Чорвадор, Омонгелди, Қизилқум, Қораобод, Эшбулоқ сингари бир қанча қишлоқлар эса Зомин ва Нурота тоғ олди ҳудудларида лентасимон кўринишда шаклланган. Қишлоқларнинг бундай ҳудудий ташкил топгани аҳолининг катта - кичик сой ва дарёлар атрофида, сувга яқинроқ жойлашишга бўлган интилишидир [3].

Бугунги кунда, қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари айниқса, тоғ ва тоғолди туманларда аҳоли сони табиий ўсиш ҳисобига кўпаяётган бўлса, текислик хусусан, янги ўзлаштирилган ҳудудлардаги аҳолининг бир манзилдан

иккинчи манзилга аниқроғи, марказ ҳудудларга бўлаётган миграцияси туфайли эса аҳоли сони ўсиши қисқариб бораётганлигини кўриш мумкин.

Жиззах вилояти аҳолисининг ўсишида хоҳ тоғли, хоҳ текислик ҳудудидан қатъий назар, маълум ҳудудий тафовутлар мавжуд бўлиб, вилоят туманлари табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий шароитларига боғлиқ ҳолда бир-биридан фарқ қилади. Олиб борилган кузатувлар натижаси шуни кўрсатадики, вилоят ҳудудий бирликларини тоғли ва текислик қисмларга ажратган ҳолда уларнинг аҳолисини ўсиш суръатлари бўйича қуйидагича гуруҳланади:

1-жадвал

**Жиззах вилояти аҳолисининг 2010-2022 йиллардаги ўсиш суръатлари.**

Худудлар	2010, Аҳоли сони	2022, Аҳоли сони	Аҳолининг ўртача ўсиши,%	Аҳолининг ўртача кўпайиш суръати,%	Аҳоли сонининг ўртача йиллик кўпайиш суръати, (%)* [1]
<b>Жиззах вилояти</b>	<b>1116800</b>	<b>1443400</b>	<b>129,2</b>	<b>29,2</b>	<b>2,0</b>
Жиззах шаҳри	146700	186900	127,4	27,4	1,85
Арнасой	39100	47300	121,0	21,0	1,50
Бахмал	125500	163200	130,0	30,0	2,05
Ғаллаорол	139100	179100	128,8	28,8	1,95
Шароф Рашидов	171500	230600	134,5	34,5	2,30
Дўстлик	55000	67700	123,1	23,1	1,60
Зомин	138700	171300	123,5	23,5	1,65
Зарбдор	53800	90400	168,0	68,0	4,05
Зафаробод	42200	51600	122,3	22,3	1,55
Мирзачўл	41600	53500	128,6	28,6	1,95
Пахтакор	62400	77500	124,2	24,2	1,65
Фориш	77000	95300	123,8	23,8	1,65
Янгиобод	24200	29000	119,8	19,8	1,40

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

\*Аҳоли сонининг ўртача йиллик кўпайиш суръати Айрапетов бўйича ҳисобланди.

Аҳоли сони жиҳатдан вилоят ҳудудларини гуруҳлаштиради, ўрганилган 2010-2022 йиллар давомида биров фарқ қилади холос. Аҳоли сонига кўра, 2010 йилда энг юқори аҳоли сонига эга бўлган ҳудудлар тоғли туманлардан Бахмал, Зомин, Ғаллаорол ҳамда текислик ҳудудлари ҳисобланган Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов бўлиб, жами аҳоли сони 122,4 мингдан 171500

кишигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади. Бу гуруҳга мансуб ҳудудлар аҳолиси вилоят аҳолисининг 64,6 фоизини ташкил этади. Ўрта гуруҳга фақатгина Фориш тумани мансуб бўлиб, 77,0 минг аҳолига эга, жами вилоятдаги аҳоли улушининг 6,9 фоизини ўзида жамлаган (1-жадвал).

Учинчи энг қуйи гуруҳга 7 та туман киритилиб, 24,2 мингдан 73,3 минг кишигача бўлган аҳолини ўз ичига олган, бу эса жами аҳолидаги улушининг 28,5 фоизига тенг. Кейинги 2022 йилда аҳоли сони гуруҳларида Фориш тумани қуйи гуруҳга, Бахмал тумани эса юқори аҳоли сони гуруҳидан ўрта гуруҳга тушиб қолган. Қолган ҳудудларда гуруҳлар бўйича аҳоли сони бўйича кўрсаткичлар ўзгариб борсада, гуруҳлардаги ўрни ўзгармаган.

Шароф Рашидов тумани – Жиззах вилоятининг марказида жойлашган. Майдони 1320 км<sup>2</sup> ни ташкил қилиб, вилоятда майдони бўйича 5-ўринни эгаллайди. Шароф Рашидов тумани аҳолиси вилоят аҳолиси бўйича энг юқориси ҳисобланади. Ўтган 2022 йилда туман аҳолиси 230,6 минг кишини ташкил этиб, вилоят аҳолисининг 16 фоизини ўзида жамлаган. 2010-2022 йилларда туман аҳолисининг мутлоқ ўсиши 59,1 минг кишига, ўртача йиллик ўсиши эса 34,5% га етган.

2-жадвал

Аҳолининг ўртача йиллик кўпайишига кўра гуруҳланиши

Гуруҳлар	Ўртача йиллик кўпайиш суръати, % 2022 йил* [1]	Ҳудудлар	Шундан, фақат тоғли ҳудудлар
Юқори ўсиш суръатига эга	2,1 – 4,05	Шароф Рашидов, Зарбдор	Бахмал
Ўртача ўсиш суръатига эга	1,71 – 2,0	Жиззах шаҳри, Мирзачўл	Ғаллаорол
Паст ўсиш суръатига эга	1,40 – 1,70	Арнасой, Зафаробод, Дўстлик, Пахтакор,	Янгиобод, Фориш, Зомин

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

\*Аҳоли сонининг ўртача йиллик кўпайиш суръати Айрапетов бўйича ҳисобланди.

Марказда иш фаолиятини юритаётган аҳолининг бевосита шаҳарда эмас, шаҳар ёни ҳудудларда тўпланиши, шаҳардан ташқарида уй-жой қурилишининг ортиб бориши, Жиззах эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши, узоқ вақт давомида меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқаришда

иштирок этиш мақсадида чекка ҳудудлардан марказга интилиши, ишлаб чиқаришнинг бошқа туманларга нисбатан юқорироқ эканлиги туфайли Жиззах шаҳрига ёндош бўлган Ш.Рашидов тумани аҳоли сонининг бевосита ўсиб боришига сабаб бўлади. Бинобарин, вилоят туманларининг асосан қишлоқ хўжалик ихтисослашуви ва саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг аҳолини иш билан таъминлашда чекланганлигини эътироф этилса, кўчиб кетувчилар сонининг ортиқлиги тушунарли бўлади [4].

Аҳоли сони юқори бўлган иккинчи ҳудуд Жиззах шаҳри бўлиб, аҳолиси 186,9 минг кишини ташкил этади. Жиззах шаҳри вилоятнинг бошқарув марказилиги, бир қанча шаҳар функцияларига эга эканлиги, вилоят ишлаб чиқариш тармоқлари ва хизматлар билан боғлиқ корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми шу ҳудудда жойлашганлиги билан характерланади. Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, 2010 йилда Жиззах шаҳрида жами 2668 та корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлса, 2022 йилга келиб, уларнинг умумий сони 7743 тага етди. Бу вилоятдаги корхона ва ташкилотлар жамланмасининг 27,9 фоизини ташкил қилиб, асосий қисми пандемиядан кейин барпо этилган корхоналар ҳисобланади.

Тадқиқ этилаётган тоғли ҳудудлар ичида аҳоли сони Ғаллаорол, Зомин ва Бахмал туманларида юқори бўлиб, аҳолининг ўсиш суръати ҳамда демографик жараёнларнинг ривожланишида ҳам ижобий кўрсаткичларга эга. Аммо, Фориш ҳамда Янгиобод туманлари тўғрисида бундай дея олмаймиз. Бунинг боиси, Фориш тумани майдони жиҳатидан вилоятда етакчиликка эга бўлсада, аҳоли сони динамикаси ва соф демографик жараёнларда анча оксайди. Қолаверса, туман қишлоқ аҳоли пунктлари (111 та) бўйича ҳам бошқа туманларга нисбатан олдинда. Бироқ, Фориш тумани майдонининг катталиги, аҳоли манзилгоҳларининг бир-биридан узоқлиги сабабли туман олдида турли ижтимоий-иқтисодий масалалар кўндаланг бўлади.

Бу масалаларни ҳал қилиш борасида В.Н. Федорко ва Ш.Б. Қурбонов ўз тадқиқотларида қуйидагича фикрларни билдирган “Нурота тоғлари этакларидаги Фориш даштлари ва Айдар-Арнасой кўллар тизимининг периметри бўйлаб чўл-яйлов ерлари, шу билан бирга, Айдар-Арнасой кўлларининг шарқий ва шимолида тарқоқ жойлашган кичик қишлоқлар реал транспорт-географик ўлчамлари бўйича Фориш туманининг маркази – Боғдон қишлоғидан жуда узоқда жойлашган”[2]. Ушбу олимларнинг таъкидлашича, тумандаги айрим қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари марказдан узоқда эканлиги боис кўпроқ кўшни туманлар Мирзачўл, Зафаробод, Арнасой томон интилади. Бу эса ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Шу боисдан, мазкур

тадқиқотчилар ҳудуднинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагича таклифларни беришган: “Ҳудуднинг транспорт-географик бирлигини инобатга олган ҳолда, Айдар-Арнасой зонаси аҳолисининг кундалик ҳаётида қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Арнасой кўлининг жануби-шарқидаги аҳоли пунктларини Мирзачўл туманига ўтказиш лозим”[2].

3-жадвал

**Жиззах вилояти қишлоқ туманлари аҳолисининг жойлашуви (2022) [5]**

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг км <sup>2</sup>	Қишлоқ аҳолиси, минг киши	Қишлоқ аҳоли пунктлари	Зичлиги	
				Аҳоли зичлиги, киши	Қишлоқлар зичлиги, 1 км <sup>2</sup> ҳудудга
Арнасой	0,48	31	10	99	20,8
Шароф Рашидов	1,32	140,5	36	175	27,3
Дўстлик	0,45	39,1	8	150	17,8
Зарбдор	0,71	40,3	19	127	26,8
Мирзачўл	0,48	23,6	7	111	14,6
Зафаробод	0,52	28,1	8	99	15,4
Пахтакор	0,38	39,9	20	204	52,6
<b>Тоғли туманлар</b>					
Бахмал	1,86	119	100	88	53,8
Ғаллаорол	1,95	116,4	107	92	54,9
Зомин	2,67	89,8	74	64	27,7
Фориш	9,56	77,6	111	10	11,6
Янгиобод	0,72	22,8	24	40	33,3

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.*

Вилоят қишлоқ туманларининг аҳолисини тадқиқ этишда яна бир муҳим масала борки, у ҳам бўлса аҳолининг ўртача йиллик кўпайиши. Статистик маълумотларга қарар эканмиз, йилдан йилга ҳудудларнинг аҳолиси кўпайиб бораётганини кўрамиз. Бизнингча, аҳоли сонининг ошиб бориши табиий ҳол албатта. Аммо, фақат соннинг ўзигина ҳудуднинг демографик вазиятини ўзида акс эттирмайди. Бунда аҳолининг табиий ва механик кўпайишини ҳам эътиборга олиш лозим. Ўрганилган ҳудудлар ичида тоғли туманлар орасида ҳам сўнгги 10-15 йил ичида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Берилган 1-жадвалнинг охириги қаторида вилоят туманлари аҳолисининг ўртача йиллик кўпайиши ва 2-жадвалда бу ҳолатнинг гуруҳланиши акс этган. Бир неча йил олдинги олиб борилган тадқиқотларда аҳолининг табиий кўпайиши айнан тоғли туманлар Бахмал, Ғаллаорол ва Зомин туманларида алоҳида эътиборга



молик бўлган. Яъни мазкур туманлар аҳолисининг туғилиш умумий коэффициенти ҳар минг кишига нисбатан 30 промилледан юқори эди. Табиий ўсиш эса 25-26 промиллени ташкил этган. Аҳолининг ўртача йиллик кўпайиш суръати ҳам мос равишда 3 фоиздан юқори кўрсаткичга эга бўлган.

Охириги 10 йилликда мазкур туманларнинг юқоридаги кўрсаткичлари пасайиб, аввалги мавқеъини йўқотган. Энг юқори кўрсаткич билан ҳозирги кунда Зарбдор тумани аҳолининг ўртача кўпайиш суръати бўйича етакчилик қилмоқда (4,05 %). 2010 йилдан 2022 йилгача ушбу туманнинг аҳолиси 36,6 минг кишига ўсган. 12 йил мобайнидаги бу ўсишнинг ўзи биргина Янгиобод туманининг ҳозирги пайтдаги аҳолисидан 7,6 минг кишига кўп (Янгиобод тумани аҳолиси сони 29,0 минг киши). Зарбдор тумани аҳолиси сонининг кескин ошиб кетиши бир қанча омиллар билан боғлиқ:

- туманнинг туб жой аҳолиси асосан тоғли туманлардан кўчириб келтирилган аҳоли ҳисобланиб, улардаги урф-одат, турмуш тарзининг ҳам “кўчиб ўтганлиги”;

- Жиззах шаҳрининг яқинлиги, вилоят марказидаги айрим объектларнинг ўзгартирилганлиги сабабли аҳолининг маълум қисми мазкур ҳудудга келиб жойлашганлиги. Шунингдек, маятниксимон миграция ҳам устунликка эга;

- Ўзбекисон Республикаси Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида 2017 йил 29 майдаги илгари сурилган Жиззах вилоятининг Зомин ва Зарбдор туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масаласи кўриб чиқилиб, туманнинг 20 минг гектардан ортиқ пахта ва ғалла майдонлари Зарбдор туманига ўтказилиб берилган [9]. Бу эса ўз навбатида Зомин тумани аҳолисининг 11 мингга қисқаришига сабаб бўлган. Ўтган 2022 йилда туман аҳолисининг ўртача йиллик кўпайиш суръати 1,65 фоизни ташкил этган.

**Хулоса.** Юқоридагиларни инобатга олсақ, вилоят қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари текислик ва тоғ-тоғолди минтақасида географик ва демографик хусусиятларига қараб ажралиб туради. Улардаги аҳоли сони динамикаси, табиий ҳамда механик ҳаракатидаги ўзгаришлар ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим. Аҳолиси ўсиб бораётган қишлоқ ҳудудларда айниқса, таълим ва тиббиёт соҳасини янада кенгайтириш, меҳнат ресурсига нисбатан иш ўринларини кўпайтириш, барқарор иш жойлари билан таъминлаш лозим. Бугунги кунда жаҳон тажрибаси ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Боиси, қишлоқ жойларда муносиб иш ўринларининг йўқлиги, инфраструктуранинг тўғри йўлга қўйилмаганли, ижтимоий соҳаларнинг шаҳар жойларга нисбатан ривожланишдан ортда қолаётганлиги натижасида аҳолининг қишлоқлар жойларни тарк этиши билан характерланмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Айрапетов А. М. Таблицы исчисления среднегодовых темпов роста, прироста и снижения. - Москва : Статистика, 1971.
2. Федорко В.Н., Курбанов Ш.Б. Пути совершенствования административно-территориального устройства регионов Узбекистана: общественно-географический взгляд. Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 55-жилд. Илмий журнал. - Тошкент, 2019. 35-39-б.
3. Жиззах вилояти тоғли ҳудудлар қишлоқларининг ривожланиш хусусиятлари. <https://jizzax.uz/131-zhizzah-viloyati-toli-ududlar-ishlolarining-rivozhlanish-hususiyatlari.html>
4. Ҳайдарова С.А. Жиззах вилоятида аҳоли миграция ҳаракатларининг вужудга келиш масалалари. Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 40-жилд. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2012 йил. 91-бет.
5. Солиев А., Назаров М.. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). Т.: “Fan va texnologiya”, 2009,
6. Тожиева З.Н., Оманова К.Б. Жиззах вилояти ҳудудларининг барқарор ривожланишида қишлоқ жойлар аҳолисининг роли.
7. Tojiyeva Zulxumor Nazarovna. Aholi geografiyasi/darslik/. -Toshkent.: «Innovatsiya-Ziyo», 2020, 236-б.
8. <https://stat.uz/uz/> - Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг расмий сайти.
9. <https://kun.uz/93233899#> - ахборот сайти.